

ШАРТНОМА № 80

« 06 » апрель 2022 йил

Андижон шаҳар

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи “Good Assortiment” масъулияти чекланган жамияти «Сотувчи» деб юритилади, унинг номидан раҳбар Бунёдбек Жакбаров бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи Андижон вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бундан буён “Харидор” деб номланувчи номидан бош врач Б.Қораев иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА асоси

1.1. Ушбу шартнома бўйича «Сотувчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган буклет, эслатма ва плакатларни етказиб беради. «Харидор» эса етказиб берилган буклет, эслатма ва плакатларни қабул қилиб олиб, ҳисоб – китоб қилади.

№	Махсулотнинг номи	Ўл. бир.	Сони	Нархи	Суммаси (ККС сиз)	ККС		Суммаси (ККС билан)
						ставка	Сумма	
1	Буклетлар тайёрлаб бериш хизмати.	услуга	1	59.950.000	59.950.000			
	Жами:				59.950.000			

Шартноманинг умумий суммаси: Эллик тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ:

- 2.1. Ҳисоб-китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатга олингандан сўнг 3 банк иш кунида «Харидор» етказиб берилган махсулотларнинг умумий суммасининг 30 % олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.
- 2.3. Қолган охириги 70% «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар, ҳисоб-вароқ фактурасига асосида 90 кунда ичида ўтказиб беради.
- 2.4. «Харидор» томонидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидорга» етказиб беради.
- 2.5 Махсулотларни етказиб бериш харажати «Сотувчи» ҳисобидан олинади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

- 3.1. Томонлар бошқа томоннинг хужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотўғри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.
- 3.2 «Сотувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
 - Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган «товар (махсулот)» ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
 - Агар «товар (махсулот)» ни етказиб бериш жараёнида «Сотувчи» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйилган бўлса «Харидор» нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.
- 3.3. «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:
 - Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Харидор» ёки учинчи шахслар томонидан тўғирланишини харажатларини қопланиши талаб қилишга;
 - Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини «Сотувчи» дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ:

- 4.1. «Товар (махсулот)» ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун «Харидор» га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган «товар (махсулот)» нинг 15 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «Харидор» га «товар (махсулот)» ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 4.2. «Товар (махсулот)» ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлақ етказиб берилмаган тақдирда «Сотувчи» «Харидор» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган «Товар (махсулот)» қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3. Етказиб берилган «Товар (маҳсулот)» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Харидор» «Сотувчи» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% мақдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ:

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тартибда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан хал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда хал қилинади.

6. ФОРС-МАЖОР:

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «Ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари» агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этлади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР:

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадигон низолар белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан хал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар иккала томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳирлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор» да сақланади.

8. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ:

8.1. Шартномани томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимидан рўйхатга олинган кундан кучга кириб, «31» декабр 2022 йилгача амал қилади.

8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»

«Харидор»

“Good Assortment” масъулияти чекланган жамияти

Андижон вилоят ОИТСга қарши кураш маркази

Манзил: Андижон вилояти Олтинқўл тумани

Манзил: Андижон шаҳар Қўшариқ даҳаси 39 А уй

Андижон вил. Маля вазирлиги ғазначилиги

Банк: МБ ББ ХКМ Ташкент шаҳар

Х/р: 23402000300100001010

Х/Р: 2020 8000 7054 6774 8001

Шх/р: 401421860034017074910054001

Банк: Анд.ш. АТБ Қишлоқ қурилиш банк

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Андижон Минтақавий филиали

ОКОНУ 011550

ИНН: 206726225

МФО: 00082 ИНН: 309098354

Рахбар:  Р. Жақбаров

 Б. Қораев

